



МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ
«RBS IMAN TEAM»
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ



Toshkent shahar, Yangihayot tumani, Gulshanobod ko`chasi, 60 uy. Telefon/faks: (+99890) 297 57 27, (+99893) 300 17 92 E-mail: rbs.audit17@gmail.com H/R: 2020 8000 4055 9000 6001 ATB "O'ZSANOATQURILISHBANK" bosh ofisi MFO: 00440, STIR: 310 006 714

№2024-06
2024 йил 20 май

Тошкент шаҳар

*Корхона таъсисчилари ва
рахбариятига*

МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Биз “PORTLATISHSANOAT” АЖнинг 2023 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва заарлар тўғрисида ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Корхона рахбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгандарлиги

Корхона рахбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш, шунингдек компания рахбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган мухим бузуб кўрсатишлардан ҳоли молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисобладиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мукофиқ танлов асосида ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда мухим бузуб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттириладиган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олици учун тартиб-тамоилларни ўз ичига олади. Танланган тартиб-тамоиллар аудиторнинг муроҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган мухим бузуб кўрсатишлар таваккалчиликларга берилган баҳога боғлиқдир. Бундай таваккалчиликларни баҳолашда, компания ички назорат тизимининг самараదорлиги тўғрисида фикр билдириш максадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб тамоилларини ишлаб чиқиш максадида, аудитор тадбиркорлик субекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаш ва хақоний тақдим этиш билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш кўлланилаётган ҳисоб сиёсатини маъбуллигини ва тадбиркорлик субекти рахбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларни асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларни умумий ифодаланишини баҳоланишини ўз ичига олади.

Биз ўзимиз танлов асосида олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фаолиятимизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Қўшимча изоҳлар билан фикр билдириши учун асос

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси Тошкент туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, Жамиятни банкрот деб топишни ва тугатишга доир иш юритишни бошлишни сўраган. Суднинг 2022 йил 16 сентябрдаги ажримига асосан қарздор – Жамиятга нисбатан банкротлик иши қўзгатилиб, кузатув таомили жорий этилган. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 4 ноябрдаги 4-1001-2218/45319 – сонли иши бўйича ажримига асосан жамиятга нисбатан 24 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган ва суд санацияси режаси тасдиқланган.

Жамият молиялаштириш шартларини музокаралар йўли билан ўзгартира олмаган ёки ўриндош молиялаштириш амалга оширилишига эриша олмаган. Мазкур вазият жамиятнинг ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятига аҳамиятли шубҳаларни белгилashi мумкин бўлган муҳим ноаниқлик мавжудлигидан далолат беради ва, бинобарин, жамият ўзининг одатдаги фаолияти жараёнида ўз активларини сотиш ва ўз мажбуриятларини бажаришга кодир бўлмай қолиши мумкин.

Жамият томонидан портлатиш ишларидан олинадиган даромад кредиторлик қарздорликларини қоплаш учун етарли эмаслиги, жамият кредиторлари ва ходимларидан иш хақи бўйича қарздорликларни сўндириш мақсадида танлов асосида жалб қилинган мустақил баҳоловчи ташкилот “Тошкент вилояти баҳолаш ва консалтинг маркази” МЧЖ томонидан ўтказилган баҳолаш ҳисботига кўра жамият балансида бўлган Фарғона вилоятида жойлашган умумий майдони 4,01 га бўлган портлатиш моддалари сақланадиган омборхонани қарор қабул қилинган.

Қўшимча изоҳлар билан фикр


Бизнинг фикримизча, қўшимча изоҳлар билан фикр билдириш учун асос ифодаланаётган параграфда тавсифланган жиҳатнинг таъсирини истисно этганда, молиявий ҳисботлар “PORTLATISHSANOAT” АЖ нинг 2023 йил 31 декабрь ҳолатидаги 2023 йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисботлари барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ ҳакконий акс эттиради.

МЧЖ шаклидаги «RBS IMAN TEAM»

аудиторлик ташкилоти директори:

Узбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар ишоҳоти маркази томонидан 14.10.2021 йилда №05738 сонли сертификат берилган.

М.Б.Умматов



Текширилаётган корхона тўғрисида маълумотлар:

Номи: “PORTLATISHSANOAT” АЖ

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Богибустон кучаси 139.

Юридик шахсни давлат руйхатидан ўтказиш тўғрисида ГУВОХНОМА Реестр №691329 - сон билан 2019 йил 22 февралда рўйхатдан ўтган.

Ҳисоб раками: 20208000200115269001, ХАТБ “Давр-Банк” Яккасарой филиали, МФО 01069.

ИНН 201190566 ОКЕД: 42990

Аудиторлик ташкилоти ҳақида маълумот:

Номи: МЧЖ «RBS IMAN TEAM» АТ

Манзил: Тошкент ш., Янгихаёт т-ни, Гулшанобод кўча, 60 уй.

Тошкент шаҳар, Янгихаёт тумани Давлат хизматлари маркази томонидан Юридик шахсни давлат руйхатидан ўтказиш тўғрисида ГУВОХНОМА №2007915 2022 йил 09 ноябрда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигидан 2023 йил 31 марта Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритилган.

Юридический адрес; г.Ташкент, Янгихаётский район, Гулшанобод МФЙ, 9-строительная территория, 7а

ИНН 310 006 714, x/p 20208000405590006001. АТБ «УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНК» бош офис
МФО: 00440, ОКЭД: 69202